

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойни 7 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья Б.Э.Каюмов;
судья ёрдамчилари М.Бердиев ва С.Бешимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзо Улубек туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Джалилов, судланувчи Ш.Хасанов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Қ.Бекчанов, судланувчи Д.Махмудхаджаев ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат З.Қурбоновнинг иштирокида, Хасанов Шухрат Рахматуллаевич ва Махмудхаджаев Дилшод Муратовичларга нисбатан 1-1001-2107/405-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хасанов Шухрат Рахматуллаевич (Хасанов Shuxrat Rahmatullayevich), 1982 йил 20 февраль куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, маълумоти олий, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 2021 йил 6 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 3 йил 9 ой 8 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жазо ўталмаган қисми 3 йил 7 ой 2 кун, доимий рўйхатда Тошкент вилояти, Қибрай тумани, А.Қодирий кўчаси, 8-уйда туриб, вақтинча Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Хуросон кўчаси, 34-уй, 2-хонадонда яшовчи, айблов хулосаси нусхасини 16.08.2021 йилда олган, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Махмудхаджаев Дилшод Муратович (Махмудхаджаев Dilshod Muratovich) 1990 йил 4 май куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, доимий рўйхатда Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, М.Рахимов кўчаси, С.Сапаров кўчаси 18-уйда туриб, вақтинча Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Беруний МФЙ, Нафис кўчаси, 9А-уйда истиқомат қилувчи, айблов хулосаси нусхасини 16.08.2021



йилда олган, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ

Хасанов Шухрат Рахматуллаевич ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан такроран қўлга киритиш мақсадида ўзининг жинойи шериги Махмудхаджаев Дилшод Муратович билан олдиндан жинойи тил бириктириб, бир гуруҳ таркибида ҳаракат қилиб, 2020 йил 18 октябрь куни соат 16:00 да Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек МФЙ, У.Ғуломов кўчаси, 34-уй, 2-хонадонда фуқаро Худайбердиев Умиджон Алишер ўғлини ишончига киришиб, уни 1.000 АҚШ доллари эвазига Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига мансабдор лавозимда ишловчи танишлари орқали қўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилишиб, шу тариқа У.Худайбердиевдан бўлиб-бўлиб жами 1.000 АҚШ доллари миқдорида пулини алдаш йўли билан қўлга киритишиб, берган ваъдаларини бажармай, жинойи йўл билан қўлга киритган пулларни ўзаро тақсимлаб олишиб, шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 26 октябрь ҳолатига кўра, 1 АҚШ долларини миллий валюта сўмга нисбатан қиймати 10.371 сўм 76 тийин бўлиб, 1.000 АҚШ доллари 10.371.760 сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, Ш.Хасанов ўзининг жинойи ҳаракатларини давом эттириб, жинойи шериги Д.Махмудхаджаев билан олдиндан жинойи тил бириктириб, бир гуруҳ таркибида ҳаракат қилиб, 2020 йил 18 октябрь куни соат 16:00 да Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек МФЙ, У.Ғуломов кўчаси, 34/2-уйда фуқаро У.Худайбердиевни пора бериш йўли билан 1.000 АҚШ доллари эвазига Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига мансабдор лавозимда ишловчи таниши орқали қўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга киритиб қўйишни ваъда беришиб, У.Худайбердиевни пора беришга далолатчилик қилишиб, шу йўл билан У.Худайбердиевдан бўлиб-бўлиб жами 1.000 АҚШ доллари миқдорида пулини пора тариқасида олишиб, жинойи йўл билан қўлга киритган пулларни ўзаро тақсимлаб олишиб, шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаев ўзларининг жинойи мақсадларига эришиш ва У.Худайбердиевни ўзларига янада ишонтириш мақсадида, Мирзо Улуғбек тумани, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уйда



жойлашган Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига боришиб, у ерда Ш.Хасанов институт ректори Ў.Умурзаков номига супер тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича гўеки У.Худайбердиевни номидан ариза ёзиб, шунга асосан 2020 йил 22 октябрь куни расмийлаштирилган тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш бўйича 557-сонли шартномани қўлга киритишиб, сўнг шартномада кўрсатилган 92.341.600 сўм супер тўлов-контракт миқдори ўрнини ўчириб, ундан кейин рангли принтер ёрдамида шартномани нусхасини чиқариб, нусхасида 5.896.646 сўм миқдордаги суммага ўзгартириб, шу йўл билан ушбу расмий ҳужжатни қалбакилаштиришган.

Ўтказилган суд хатшунослик экспертизасини 2021 йил 17 июль кундаги 280-сонли хулосасига кўра, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори Ў.Умурзаковга абитуриент У.Худайбердиев номидан ёзилган аризадаги матн ва имзо Ш.Хасанов томонидан бажарилганлиги аниқланган.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 16.06.2021 йилдаги 31/10-09-13-1723-сонли маълумотномасига кўра, тақдим этилган 22.10.2020 йилдаги 557-сонли шартнома бланк нусхасида кўрсатилган 5.896.646 сўм миқдордаги суммага ўзгартириш киритилиб қалбакилаштириб олинганлиги аниқланган.

Судланувчи Ш.Хасанов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, яъни 2020 йил октябрь ойини ўртасида тахминан соат 17:00 ларда уйда шериги Д.Махмудхаджаев билан ўтирган вақтида, уни уйига У.Худайбердиев Хасан ва Мухаммад билан биргаликда келишганлигини, Жавлонбекка танишлари орқали қўшимча контрактга ўқишга киритиб қўйиши мумкинлиги ҳақида айтган гапини эшитиб уни олдига келишганлигини ва У.Худайбердиев ҳам шу йили Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига имтиҳон топширганлигини, лекин имтиҳондан йиқилиб ўқишга кира олмаганлигини, шунинг учун қўшимча контрактга ўқишга киритиб қўя олиши ҳақида сўрашганида, шу вақтда унга жудаям пул зарур бўлиб турганлиги сабабли уларга ушбу институтда таниши борлигини ва ёрдам бера олишини, фақат эвазига 1.000 АҚШ доллари бериши кераклигини айтганида, У.Худайбердиев уйдагилари билан гаплашиб жавобини этишини айтганлигини, шундан сўнг эртаси куни у У.Худайбердиевга қўнғироқ қилиб, пулни тезлаштириши кераклигини, акс ҳолда қўшимча контрактга жой тўлиб қолишини алдаб айтганлигини ва У.Худайбердиев пул топиши билан уйига келишини ва пул билан яна нима олиб келиши кераклигини сўраганида, коллеж дипломи билан паспорт нусхаси ва ДТМ қоғозини олиб келишини айтганлигини ва уларни суҳбати якунланганлигини, 2020 йил 18 октябрь куни соат 16:00 ларда уйда яна Д.Махмудхаджаев билан ўтирганида, унга бир паст туриб У.Худайбердиев пул олиб келиши кераклигини, шунинг учун уни ёнида туриб роль ўйнаб бериши кераклигини айтганида, Д.Махмудхаджаев уни таклифига рози



бўлганлигини, кейин орадан вақт ўтиб, У.Худайбердиев яна ўртоқлари билан биргаликда келганлигини ва ўзи билан бирга паспорт, диплом нусхалари ва ДТМ қоғози билан 1.000 АҚШ долларини олиб келганлигини, у У.Худайбердиевга ҳозирда менга 500 АҚШ доллари билан ҳужжатларини беришини, қўшимча контракт шартномасини олиб келиб берганидан сўнг, қолган 500 АҚШ долларини беришини айтганида, У.Худайбердиев уни таклифига рози бўлиб, унга 500 АҚШ доллари билан паспорт, коллеж дипломини нусхаси ва ДТМ қоғозини берганида, у ёнида турган шериги Д.Махмудхаджаевга уйдан паспорт нусхасини олиб чиқишини ва у У.Худайбердиевга пул олганлиги ҳақида тилхат ёзиб бериши кераклигини айтганида, Д.Махмудхаджаев уни уйига кириб, уни паспорт нусхасини олиб чиққанлигини, ундан кейин у паспорт нусхасига У.Худайбердиевдан

500 АҚШ долларини қарзга олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, лекин у ушбу пулни қарзга олмаганлигини ва У.Худайбердиевни ўзи ҳам ушбу ҳолатга унчалик аҳамият бермаганлигини, кейин улар кетишганида ёнида турган Д.Махмудхаджаев унга “ака менга ҳам ҳиссамни беринг, биз биргамиз-ку” деганлиги учун у шериги бўлганлиги учун Д.Махмудхаджаевга У.Худайбердиев берган 500 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларини берганлигини ва ўзида олиб қолган 400 АҚШ долларини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлигини, шундан сўнг орадан 2 кун ўтиб Д.Махмудхаджаев билан кўришиб, унга “нима қилиб бўлса ҳам У.Худайбердиевга контракт шартномасини қилиб беришлари кераклигини” айтганида, шу вақтда уларга бир фикр келганлигини, унга кўра, У.Худайбердиевни номидан институтга бориб, имтиҳондан йиқилган бўлса, супер контрактга ўқишга розилиги бўйича ариза ёзиб, сўнг супер контрактни шартномасини қўлга киритишганидан кейин, шартнома суммасини оддий контракт суммасига ўзгартириб, рангли принтерда нусхасини чиқариб, ундан кейин У.Худайбердиевга ушбу шартнома беришларини, сўнг У.Худайбердиевни ўзи институтга олиб бориб ўқишга топширишини ўйлаб топганлигини, кейин улар Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига боришганлигини ва бухгалтерия бўлимига кириб, у ерда ўзида бўлган У.Худайбердиевни диплом, паспорт нусхалари ва ДТМ қоғозини кўрсатиб, У.Худайбердиевни тоғаси бўлишини ва жияни супер контрактда ўқиши кераклигини айтганида, улар бунинг учун У.Худайбердиев келиб ариза ёзиши кераклигини айтиб, унга ариза бланкасини беришганлигини, шунда у ушбу ариза бланкасини олиб У.Худайбердиевни номидан аризани тўлдириб берганида, шунга асосан у ерда унга институтни супер контракт шартномасини беришганлигини, лекин шартномани орқа томонидаги буюртмачини анкета маълумотлари тўлдирилмаган ҳолатда бўлганлигини, шу тариқа улар супер контракт шартномасини олишганидан сўнг, Д.Махмудхаджаев билан биргаликда шартномани орқасида кўрсатилган супер контракт миқдори бўлган 92.000.000 сўм пулни ўрнини ўчиришганлигини ва шартномани рангли принтерда



нусхасини чиқариб олиб, сўнг чиқарилган нусхасини орқа томонига оддий контрактни суммасини ёзиб олишганини, кейин эртаси куни у У.Худайбердиевга қолган пулни олиш учун қўнғироқ қилганлигини ва унга шартномани олиб кетиши учун Чирчиқ шаҳри, Тройский мостини олдига келишини айтганлигини ва ўзлари ҳам у ерга боришганлигини, сўнг улар у ерга борганида, У.Худайбердиевни бир ўзи келганлигини ва у У.Худайбердиевдан пулни олиб келганлигини сўраганида, У.Худайбердиев олиб келганлигини айтиб, уни қўлига қолган 500 АҚШ долларини берганлигини, шунда у яна олдинги ёзилган тилхатга қўшимча қилиб ёзиб берганлигини, кейин у У.Худайбердиевга шартномани берганида, У.Худайбердиев шартномада контракт суммаси кўп ёзилганлигини, балким стипендияли бўлса керак, шунинг учун стипендиясиз арзонроқ қилиб беринглар деганида, у У.Худайбердиевдан шартномани қайтариб олиб, тўғрилатиб олганидан кейин унга алоқага чиқишини айтганлигини, сўнг улар йўлда кетаётганида у шериги Д.Махмудхаджаевга яна ҳиссаси тариқасида 150 АҚШ доллари миқдоридан пул берганлигини, ундан кейин улар шартномани аслидан яна рангли принтерда нусха чиқариб олиб, иккинчи марта чиқарилган нусхага суммасини 5.896.646 сўмга ўзгартириб ёзиб қўйишганлигини, сўнг у У.Худайбердиевга қўнғироқ қилиб шартнома тайёр бўлганлигини, У.Худайбердиевга ушбу шартномани институтга олиб бориб топшириши кераклигини, ундан кейин у контракт асосида ўқишни бошлашини айтганлигини, шунинг билан орадан вақт ўтиб у У.Худайбердиев билан гаплашганида, У.Худайбердиев унга институтга улар берган шартномани олиб бориб берганлигини ва уни гуруҳга киргазиб қўйишганлигини ва у онлайн тарзда ўқишни бошлаганлигини айтганида, у У.Худайбердиевни бу гапларини эшитиб ҳайрон бўлиб қолганлигини ва У.Худайбердиевга ҳеч нарса демаганлигини, 2020 йил декабрь ойини охирларига келиб У.Худайбердиев унга қўнғироқ қилиб, ўқишга қабул қилиш бўйича буйруғи чиқмаётганлигини айтганида, у ҳар хил баҳоналар қилиб алдашга мажбур бўлганлигини ва У.Худайбердиевга шу институтда ишлайдиган танишига айтаман ҳал қилиб беради деб алдаб юрганлигини, лекин ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширмаганлигини, шунинг учун ҳам охири оқибат У.Худайбердиевни ўқиши ҳал бўлмаганлиги учун У.Худайбердиев уни устидан ариза ёзишини айтганида, у олинган пулни қайтариб беришини, шунга ҳеч қаерга мурожаат қилмаслигини айтиб келганлигини ва орада Д.Махмудхаджаевга ҳам олган пулни қайтаришини ва у ўзини ёнидан ҳам қўшиб У.Худайбердиевга қайтариб беришлари кераклигини, Д.Махмудхаджаев ҳам хавотирга тушиб қолиб, У.Худайбердиевга қўнғироқ қилиб гаплашиб олишини айтганлигини, кейин шу пайтларда уни бошқа содир этган фирибгарлик жинояти учун Чирчиқ шаҳар ИИБ Тергов бўлими томонидан у жиний жавобгарликка тортилиб, эҳтиёт чораси тариқасида “қамоққа олиш” қўлланилганлигини, сўнг у 1-сонли тергов ҳибсхонасида У.Худайбердиев ариза билан мурожаат этганлигини билганлигини, ҳозирда етказилган зарарнинг яримдан кўпроқ қисми қопланганлигини,



қилган ишидан пушаймонлигини билдириб унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.Махмудхаджаев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, яъни у 2020 йил 16 октябрь куни тушликка яқин таниши Ш.Хасановни Мирзо Улуғбек тумани, У.Ғуломов кўчаси, 34-уй, 2-хонадонига борганлигини, кейин у ерга У.Худайбердиев ўртоқлари билан биргаликда келишганлигини, шунда У.Худайбердиев Ш.Хасановга шу йили Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга топширганлигини, лекин бали етмаганлиги учун имтиҳондан йиқилганлигини, шунинг учун Ш.Хасанов танишлари орқали институтга қўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга киритиб қўйишини эшитиб келганлигини айтганида, Ш.Хасанов уни олдида роль ўйнаб таниши борлигини ва шу йўл билан ўқишга киритиб қўйиши мумкинлигини, бунинг учун 1.000 АҚШ доллари миқдорида пул бериши кераклигини айтганида, У.Худайбердиев уйдагилари билан гаплашиб кўришини айтиб кетаётганида, Ш.Хасанов ўзи учун У.Худайбердиевни телефон рақамларини сўраб олиб қолганлигини, 2020 йил 18 октябрь куни у яна Ш.Хасановни уйига борганлигини, Ш.Хасанов унга бир паст туриб У.Худайбердиев келишини ва ўзи билан пул олиб келишини, шу вақтда олдида туриб шериги сифатида роль ўйнаб беришини айтганлигини ва у рози бўлганлигини, У.Худайбердиев яна ўртоқлари билан биргаликда келганлигини ва Ш.Хасановга пулни олиб келганлигини айтганида, Ш.Хасанов унга ҳозирда 500 АҚШ доллари беришини ва контракт шартномасини олиб келганида қолган 500 АҚШ долларини ҳам беришини айтганида, У.Худайбердиев уни олдида Ш.Хасановга 500 АҚШ доллари билан ҳужжатларини берганлигини, шунда Ш.Хасанов роль ўйнаб унга қараб уйига кириб паспорт нусхасини олиб чиқишини буюрганлигини ва у Ш.Хасановни айтганини қилиб, уйига кириб паспорт нусхасини олиб чиққанлигини, ундан кейин Ш.Хасанов паспорт нусхасига У.Худайбердиевга 500 АҚШ долларини қарзга олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, шу тариқа Ш.Хасанов У.Худайбердиевдан пулни олганидан кейин, У.Худайбердиевга алоқада бўлишини, янгилик бўлса ўзи хабар беришини айтганлигини, у Ш.Хасановдан унга ҳам ушбу пулдан беришини сўраганида, Ш.Хасанов унга 100 АҚШ долларини берганлигини, сўнг у ушбу пулни ўзини эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлигини, шундан сўнг орадан 2 кун ўтиб, у яна Ш.Хасанов билан уйини олдида кўришганида, Ш.Хасанов унга “нима қилиб бўлса ҳам У.Худайбердиевга контракт шартномасини қилиб беришлари кераклигини” айтганида, шу вақтда уларга бир фикр келганлигини, унга кўра “У.Худайбердиевни номидан институтга бориб, имтиҳондан йиқилган бўлса, супер контрактга ўқишга розилиги бўйича ариза ёзиб, сўнг супер контрактни шартномасини қўлга киритишганидан кейин, шартнома суммасини оддий контракт суммасига ўзгартириб, рангли принтерда нусхасини чиқариб, ундан кейин У.Худайбердиевга ушбу шартномани беришларини ва У.Худайбердиевни ўзи институтга олиб бориб ўқишга



топширишини ўйлаб топишганлигини, кейин улар режа бўйича уни бошқарувида бўлган “Кобальт” русумли автомашинасида Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига боришганлигини ва у ерда Ш.Хасановни ўзи бухгалтерия бўлимига кириб, У.Худайбердиевни тоғаси бўлишини ва жияни супер контрактда ўқиши кераклигини айтганида, бунинг учун У.Худайбердиев келиб ариза ёзиши кераклигини айтиб, Ш.Хасановга ариза бланкасини беришганлигини, шунда Ш.Хасанов ушбу ариза бланкасини олиб ташқарига чиқиб, У.Худайбердиевни номидан ўзи ариза тўлдириб олиб кириб берганида, шунга асосан Ш.Хасановга институтни супер контракт шартномасини беришганлигини, лекин шартномани орқа томонидаги буюртмачини анкета маълумотлари тўлдирилмаган ҳолатда бўлганлигини, шу тариқа улар супер контракт шартномасини олишганидан сўнг, Ш.Хасанов билан биргаликда шартномани орқасида кўрсатилган супер контракт миқдори бўлган 92.000.000 сўм ўрнини ўчиришганлигини ва ушбу шартномани рангли принтерда нусхасини чиқариб олиб, сўнг чиқарилган нусхасини орқа томонига оддий контрактни суммасини ёзиб олишганлигини, кейин эртаси куни улар У.Худайбердиевга қолган пулни олиш учун кўнғироқ қилишганлигини ва шартномани олиб кетиши учун Чирчиқ шаҳри, Тройский мостини олдига келишини айтишганлигини ва у ерда боришганлигини, у ерда У.Худайбердиевни бир ўзи келганлигини ва у Ш.Хасановга қолган 500 АҚШ долларини берганлигини, кейин Ш.Хасанов У.Худайбердиевга шартномани берганлигини, У.Худайбердиев шартномада контракт суммаси кўп ёзилганлигини, балким стипендияли бўлса керак, шунинг учун стипендиясиз арзонроқ қилиб беринглар деганида, Ш.Хасанов шартномани қайтариб олиб, тўғрилатиб олишганидан кейин алоқага чиқишларини айтганлигини, сўнг улар йўлда кетаётганида Ш.Хасанов унга яна ҳисса тариқасида 150 АҚШ доллари миқдорида пул берганлигини, ундан кейин улар шартномани аслидан яна рангли принтерда нусха чиқариб олиб, иккинчи марта чиқарилган нусхага суммасини 5.896.646 сўмга ўзгартириб ёзиб қўйишганлигини, сўнг Ш.Хасанов У.Худайбердиевга кўнғироқ қилиб шартнома тайёр бўлганлигини ва ушбу шартномани уйдан олиб кетишни айтганлигини, сўнг орадан вақт ўтиб У.Худайбердиев Ш.Хасановга кўнғироқ қилиб, уйига келиб шартномани олиб кетганлигини айтганида, Ш.Хасанов У.Худайбердиевга ушбу шартномани институтга олиб бориб топшириши кераклигини, ундан кейин контракт асосида ўқишни бошлашини айтганлигини, 2020 йил декабрь ойини охирларига келиб У.Худайбердиев Ш.Хасановга кўнғироқ қилиб, ўқишга қабул қилиш бўйича буйруғи чиқмаётганлигини айтганида, Ш.Хасанов ҳар хил бахоналар қилиб алдашга мажбур бўлганлигини, шунинг учун ҳам охир-оқибат У.Худайбердиевни ўқиши ҳал бўлмаганлиги учун У.Худайбердиев Ш.Хасановни устидан ариза ёзишини айтиб келганида, орада Ш.Хасанов унга ҳам олган пулни қайтаришини ва ўзини ёнидан ҳам қўшиб У.Худайбердиевга қайтариб беришлари кераклигини,



Ш.Хасанов билан У.Худайбердиевга пулини қайтариб беришмаганлиги учун У.Худайбердиев ариза билан мурожаат этганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймондалигини ва ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, унга нисбатан енгилроқ жазо беришини айтиб ўтди.

Гувоҳ У.Худайбердиев судда қуйидагиларни, яъни 2020 йил август ойида Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини “Гидрология” факультетига ўқишга кириш учун имтиҳон топширганлигини ва у имтиҳондан ўта олмаганлиги учун институт томонидан унга супер контракт асосида ўқиши мумкинлигини айтишганида, уни шароити тўғри келмаслиги сабабли супер контрактдан воз кечганлигини, 2020 йил октябрь ойига келиб, ўртоғи Х.Иногамов унга институтга кира олмаганларни танишлари орқали қўшимча контракт асосида ўқишга киритиб бера оладиган одам ҳақида эшитганлигини, шунинг учун агарда хоҳласа у ҳам у кишини олдига бориб гаплашиб кўришини айтганида, у Ш.Хасановни олдига боришга қарор қилганлигини, шундан сўнг 2020 йил 16 октябрь куни у ўртоқлари Х.Иногамов ва М.Мирхалиловлардан илтимос қилиб, биргаликда Ш.Хасановни Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек посёлкаси, У.Ғуломов кўчаси, 34/2-уйига боришганлигини, шунда уларни Ш.Хасанов ўзини жияни Д.Махмудхаджаев билан биргаликда кутиб олганлигини, чунки Ш.Хасанов уларга Дилшодни жияним деб таништирганлигини, кейин у Ш.Хасанов билан саломлашиб ўзаро суҳбатлашиб туришганида, Ш.Хасанов ундан ўқишга кирмоқчимисан деб сўраганлигини, шунда у шу йил ёзда Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга топширганлигини, лекин имтиҳондан ўта олмаганлигини айтганида, Ш.Хасанов унга танишлари орқали ушбу институтга қўшимча контрактга ўқишга киритиб бера олишини айтганлигини ва у таклифига рози бўлиб, бунинг учун нима қилиш кераклиги ҳақида сўраганида, Ш.Хасанов унга ушбу институтга танишлари орқали қўшимча контрактга 1.000 АҚШ доллари эвазига киритиб қўйишини айтганлигини, кейин у Ш.Хасановга уйдагилари билан маслаҳатлашиб олдига келишини айтганлигини, шундан кейин у Россия Федерациясида ишлаётган синфдоши Ш.Хасановдан қарзга пул сўраганида, Ш.Хасанов унга 800 АҚШ доллари миқдорида пул бериб туришини айтиб, эртаси куни танишлари орқали ушбу 800 АҚШ доллари миқдоридаги пулни юборганлигини, кейин у ушбу 800 АҚШ долларига ўзи йиғиб қўйган 200 АҚШ долларини қўшганлигини, 18 октябрь куни у Ш.Хасановни уйига ўзи билан паспорти, коллеж дипломи нусхаларини ва ДТМ қоғозимни олиб бориб, Ш.Хасановга дастлаб 500 АҚШ доллари билан ҳужжатларини берганида, Ш.Хасанов ёнида турган Д.Махмудхаджаевга уйдан паспорт нусхасини олиб чиқишини ва ундан олган пул бўйича тилхат ёзиб беришини айтганлигини, ундан кейин Д.Махмудхаджаев Ш.Хасановни уйдан паспорт нусхасини олиб чиқиб берганида, Ш.Хасанов 500 АҚШ доллари миқдорида пул олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини ва шартнома тайёр бўлганида унга хабар беришини



айтганлигини, шундан сўнг орадан бир ҳафта вақт ўтиб, Ш.Хасановни ўзи унга яна қўнғироқ қилиб, уни шартномаси тайёр эканлигини, шунинг учун қолган 500 АҚШ долларини олиб келишини ва бунинг учун мен Чирчиқ шаҳар, Тройский мостини олдиға келишини айтганлигини, кейин у билан кўришиш учун айтилган жойға берганида, Ш.Хасанов Д.Махмудхаджаев билан биргаликда келишганлигини, шунда Ш.Хасанов уни қўлиға Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан берилган контракт шартномасини берганида уни кўриб, контракт тўлови нима учун 12.000.000 сўм миқдорида ёзилганлигини сабабини сўраганлигини, шунда Ш.Хасанов унга сабаби стипендия олинадиган тўлов эканлигини айтганида, у Ш.Хасановга шароити кўтармаслигини, шунинг учун унга стипендия тўловисиз шартнома қилиб беришини айтганлиги учун Ш.Хасанов ундан шартномани қайтариб олиб, бир соат ичида институтга бориб, ўзгартириб олиб келиб беришини ва уйига бориб олиб кетишини айтганлигини, Ш.Хасанов ундан шу ерни ўзида қолган 500 АҚШ долларини олиб кетганлигини ва бу бўйича унга ёзиб берган тилхатига қўшимча тарзда ёзиб берганлигини, шундан сўнг орадан вақт ўтиб, шу куни кечки пайт тахминан соат 20:00лар атрофида Ш.Хасанов унга қўнғироқ қилиб, айтган стипендиясиз контракт шартномасини олиб келганлигини ва уйида турганлигини, шунинг учун уйига бориб турмуш ўртоғидан олиб кетишини, ўзи эса бошқа ишлари билан юрганлигини айтганлигини, кейин у Ш.Хасановни уйига бориб, турмуш ўртоғидан 1та асл нусхада ва 1та ксеро нусха қилинган бир хил шартномани олганлигини, шунда у Ш.Хасановга қўнғироқ қилиб шартномани олганини айтганида, Ш.Хасанов унга ксеро нусхасини ўзида олиб қолишини ва асл нусхасини эса тўлов квитанцияси билан биргаликда институтга олиб бориб бериши кераклигини, тўлов қилаётганида шартномада кўрсатилган суммани тенг ярмини тўлаши кераклигини ва қолган ярмини эса 2021 йил март ойида тўлашини, ундан кейин ўқишға қабул қилиниб, контракт асосида ўқишни давом эттиришини айтганлигини, 2021 йил 3 ноябрь куни у “Ипотека банк” АТИБ Чирчиқ шаҳар филиалиға бориб, Ш.Хасанов унга берган шартномани асл нусхасини берганида, ушбу шартномани орқа томонидаги буюртмачини тўлиқ анкета маълумотлари ёзилиши керак бўлган жой тўлдирилмаганлиги учун банк ходимлари шу ерини тўлдириб ёзиб беришини айтишганлиги учун у ўзини тўлиқ анкета маълумотларини буюртмачи деган жойға ёзиб тўлдириб берганлигини, ундан кейин у шартномада кўрсатилган 5.896.646 сўмни 50 фоизи тариқасида 2.963.064 сўм миқдорида тўловни амалга оширганлигини, сўнг у Ш.Хасанов айтганидек шартномани асл нусхаси билан тўлов квитанциясини ўзини ҳужжатлари билан бирга Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига олиб бориб, “Гидрология” факультетини деканат бўлимиға топширганлигини, шу вақтда уни у ерда Д.Аллаяров исмли декан ўринбосари қабул қилиб, ундан ҳужжатлари билан Ш.Хасанов унга берган



шартномани асли ва тўлов қвитанциясини қабул қилиб, уни гуруҳга қўшишини ва шу йили карантин бўлганлиги учун эртадан онлайн тарзда ўқишни бошлашини айтганлигини, шу тариқа эртасидан бошлаб “Гидрология” факультетида онлайн тарзда ўқишни бошлаганлигини, кейин орадан бир ой вақт ўтиб, институтдан уларни чақиртириб, қатнаб офлайн тарзда ўқишни давом эттиришини айтишганлигини ва ундан кейин у яна 10 кунлар институтда ўқиб юрганлигини ва бир куни декан ўринбосари Даврон ака уни деканатга чақиртириб, ўқишга супер контракт асосида қабул қилинганлигини, шунинг учун супер контракт бўйича 92.000.000 сўм миқдорида контракт пулини тўлов қилиши кераклигини айтишганида, шунда у ҳайрон бўлиб қолиб, Д.Аллаяровга олиб келиб берган шартнома контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича тузилганлигини айтганида, Д.Аллаяров у олиб келган шартномани базада текшириб кўрганлигини, лекин ушбу шартнома базада чиқмаётганлигини айтганлигини, ундан кейин у ушбу ҳолатга аниқлик киритиш учун Ш.Хасановга қўнғироқ қилиб, деканатда айтишган гапларини айтганида, Ш.Хасанов унга улар адашишаётганлигини, шунинг учун уни ўзи 1 hafta ичида аниқлик киритиб ҳал қилиб беришини, унгача у ўқишни давом эттириб туришини айтганлигини, кейин орадан бир hafta ўтиб институтда таътил бошланганлигини, шунда ҳам Ш.Хасанов унга таниши орқали уни ўқишини таътил тугагунича ҳал қилиб беришини айтиб келганлигини, 2021 йил 10 январь куни таътил тугаганидан кейин у яна институтга бориб хабар олганида, уни ўқиши ҳал бўлмаганлигини шунинг учун ўқишни давом эттира олмаслигини айтишганлигини, ундан кейин у яна Ш.Хасановга қўнғироқ қилиб хабар олганида, у киши унга озгина сабр қилиб туришини айтганлигини, шу тариқа январь ойини охирларига келиб, Ш.Хасанов унга таниши ўқишини ҳал қилиб бера олмаганлигини, шунинг учун ундан олган 1.000 АҚШ долларини тез кунда қайтариб беришини айтганлигини, кейин орада Ш.Хасанов уларга жияни деб таништирган Д.Махмудхаджаев ҳам ўзидан-ўзи унга қўнғироқ қилиб, суҳбат чоғида “Ш.Хасановни устидан ҳеч қаерга мурожаат қилмаслигини ва уни ўзи Ш.Хасановдан 1.000 АҚШ долларини олиб, сарф-харажатлари ҳисобига устига ўзини ёнидан 500 АҚШ доллари қўшиб, жами 1.500 АҚШ доллари қилиб беришини” айтганлигини, шу тариқа орадан вақт ўтган сари Ш.Хасанов билан уни жияни Д.Махмудхаджаев унга ўзларини турли хилдаги баҳоналарини важ қилиб, уни алдаб ўзларини олиб қочиб юришганлигини, шунинг билан у алданганлигини тушуниб ҳолат бўйича Тошкент вилоят Қибрай тумани ИИБ га ариза билан мурожаат этганлигини баён қилди.

Гувоҳ М.Мирхалилов судда қуйидагиларни, яъни 2020 йил август ойида Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини “Бухгалтерия” факультетига ўқишга кириш учун имтиҳон топширганлигини, шунда имтиҳондан ўта олмаганлиги учун шу йили ўқишга кира олмаганлигини, шундан сўнг орадан вақт ўтиб,



2020 йил октябрь ойига келиб, ўртоғи Х.Иноғомов билан биргаликда Қибрай тумани, Беруний маҳалласида айланиб юрганида қўшниси Ж.Анваров билан кўришиб қолишганлигини, шунда суҳбат чоғида Жавлонбек уларга институтга кира олмаганларни пул эвазига қўшимча контракт асосида ўқишга киритиб бера оладиган Ш.Хасанов исмли одам борлиги ҳақида эшитганлигини айтганлигини, ундан кейин у ҳам бу ҳақда яна бир ўртоғи У.Худайбердиевга ҳам айтганлигини, сабаби Умиджон ҳам у каби шу йили Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини “Гидрология” факультетига ўқишга кириш учун имтиҳон топшириб ўта олмаганлиги учун ўқишга кира олмаганлигини, шунда У.Худайбердиев қўшимча контрактга бўлса ҳам ўқишга киришга қарор қилиб, Ш.Хасанов исмли одамни олдига боришга қарор қилганлигини, шунинг учун ундан биргаликда у кишини олдига бориб келишини илтимос қилганлиги учун таклифига рози бўлганлигини, кейин орадан вақт ўтиб, 2020 йил 16 октябрь куни у, У.Худайбердиев ва Хасан биргаликда Ш.Хасановни уйига боришганлигини, шунда Ш.Хасанов уларни ўзининг Д.Махмудхаджаев исмли жияни билан биргаликда кутиб олганлигини, Ш.Хасанов У.Худайбердиевдан ўқишга кирмоқчимисан деб сўраганлигини, шунда Умиджон шу йили ёзда Тошкент давлат Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга топширганлигини, лекин имтиҳондан ўта олмаганлигини айтганида, Ш.Хасанов ушбу институтга танишлари орқали қўшимча контрактга 1.000 АҚШ доллари эвазига киритиб қўйишини маълум қилганлигини, орадан 2 кун ўтиб, у, У.Худайбердиев ва Х.Иноғомов биргаликда яна Ш.Хасановни уйига боришганлигини, шунда Ш.Хасановни ўзи У.Худайбердиевдан ҳужжатлари билан фақат 500 АҚШ доллари пулини олиб, қолган 500 АҚШ долларини эса қўшимча контракт бўйича шартномани унга олиб келиб берганидан сўнг беришини айтганлигини, шунда Ш.Хасанов ёнида турган Д.Махмудхаджаевга уйдан паспорт нусхасини олиб чиқишини ва олган пул бўйича тилхат ёзиб беришини айтганлигини, ундан кейин Д.Махмудхаджаев Ш.Хасановни уйдан паспорт нусхасини олиб чиқиб берганида, Ш.Хасанов 500 АҚШ доллари миқдорида пул олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, шартнома тайёр бўлганида хабар беришини айтганлигини, шундан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб, улар Умиджондан иши нима бўлганлиги ҳақида сўрашганида, У.Худайбердиев уларга “Ш.Хасановга яна 500 АҚШ доллари берганлигини, сўнг Ш.Хасанов унга шартномани олиб келиб берганлигини, ундан кейин у онлайн тарзда ўқиб юрганлигини” айтганлигини ва шунинг учун улар У.Худайбердиевни ўқишга қабул қилинган ва ўқиб юрибди деб ўйлашганлигини, 2021 йил январь ойини охирларида улар У.Худайбердиев билан гаплашишганида, Умиджон уларга Ш.Хасанов уни алдаб кетганлигини, Ш.Хасанов берган шартнома базада мавжуд эмаслигини, шу сабабли ўқишдан четлатишганлигини ва Ш.Хасанов уни алдаганлигини сабабли Ш.Хасановга нисбатан Тошкент вилоят Қибрай тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини баён қилди.



Тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига етиб келмаган гувоҳлар Х.Иноғомов, Ж.Анваров ва Д.Аллаяровларнинг дастлабки тергов органига берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди, ушбу кўрсатмалар судланувчи Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаевлар томонидан тасдиқланди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячиарни, судланувчилар Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаевларнинг суддаги кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаевнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзларининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, тергов олди суриштирув ишлари жараёнида тўпланган ҳужжатлар билан; 2020 йил 22 октябрь куни расмийлаштирилган тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш бўйича 557-сонли шартнома нусхасини ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан; Ш.Хасанов томонидан пул олганлиги ҳолати бўйича ёзган тилхатларини ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан; У.Худайбердиев билан гумон қилинувчи Ш.Хасанов ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси билан; М.Мирхалилов билан гумон қилинувчи Ш.Хасанов ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси билан; стенограмма баённомаси билан; телефон сўзлари ёзиб олинган DVD дискини ашёвий далил деб топиш қарори билан; гумон қилинувчи Ш.Хасанов билан гумон қилинувчи Д.Махмудхаджаев ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси билан; У.Худайбердиев билан гумон қилинувчи Д.Махмудхаджаев ўртасида ўтказилган судга оид хатшунослик экспертизасини 2021 йил 17 июль кундаги 280-сонли хулосаси билан; Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори Ў.Умурзаковга абитуриент У.Худайбердиев номидан ёзилган аризани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКК 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи Ш.Хасановнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзганинг мулкани қўлга киритишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖККнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига унга бевосита қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда иштирокчилик қилишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖККнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан ва сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб тайёрланишида ифодаланган



ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Судланувчи Д.Махмудхаджаевнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзганинг мулкини қўлга киритишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан, пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига унга бевосита қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишда иштирокчилик қилишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан ва сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб тайёрланишида ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, дастлабки тергов органлари томонидан Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаевларни ҳужжатни қалбаки эканлигини била туриб ундан фойдаланганлик ҳолати бўйича ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарори”нинг 19-бандига кўра, судларга тушунтирилсинки, қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, башарти ҳужжат айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, жиноятлар мажмуи тарзида ЖКнинг 168-моддаси ва 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилинади. Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади ва ЖКнинг 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган булади деб кўрсатилганлиги сабабли суд судланувчи Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаевларнинг айбловидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқариб ташлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчиларга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 01-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши,



жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 26-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилиши кераклиги тушунтирилган.

Шунга кўра суд, судланувчи Ш.Хасановга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида фарзандлари борлигини, жиноят оқибатида зарарни кўп миқдори қопланганини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бир қаторда жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шаклини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 2021 йил 6 май кунги ҳукми билан тайинланган жазони ўталган қисмини суд томонидан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Судланувчи Д.Махмудхаджаевга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганини, жиноят оқибатида зарарни кўп миқдори қопланганини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бир қаторда жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шаклини ва унинг шахсини, инобатга олиб жамиятидан ажратмаган ҳолда озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 23-бандида, “Фирибгарлик натижасида олинган, шунингдек иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖПКнинг 211-моддаси 4-бандига кўра, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим, пул ва



бошқа қимматликлар улар эгасининг ташаббуси билан, била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустасно. “Пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади” деб тушунтириш берилган.

Суд судланувчилар томонидан У.Худайбердиевни ишончига киришиб, уни 1.000 АҚШ доллари эвазига Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига мансабдор лавозимда ишловчи танишлари орқали қўшимча тўлов-контракт асосида ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилишиб, жами 1.000 АҚШ доллари миқдорида пулини алдаш йўли билан қўлга киритишиб ушбу пора предмети ҳисобланган 1.000 АҚШ долларини давлат фойдасига ундириш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил

27 декабрдаги №26-сонли “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорини 10-бандига кўра, “Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим”; 13 бандига кўра, “Биргаликдаги жиноий ҳаракатлар натижасида етказилган мулкий зиён қопланиши юзасидан зарарни етказган барча шахслар солидар жавобгар бўладилар. Бунда судлар қуйидагиларни назарда тутишлари лозим: жиноятлар бир неча шахслар томонидан содир этилганда, улар биргаликдаги иштироки аниқланган эпизодлар бўйича етказилган мулкий зиённи қоплашда солидар жавобгар бўладилар”. Суд зарарни ундиришда ҳукм ўқилган 07.10.2021 йил кунда, марказий банкининг маълумотига кўра, 1 АҚШ доллари 10.671,4 сўмга тенг эканлигини инобатга олиб, пора предмети ҳисобланган 1000 АҚШ долларини миллий валюта “сўм”га ўгириб яъни 10.671.400 сўмни ташкил қилиб, Тошкент шаҳар ИИББ Молия иқтисод бўлими депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 7.750.000 сўм пул маблағларини давлат фойдасига қаратиб қопланмаган 2.921.400 сўмни судланувчилардан давлат фойдасига солидар тартибда ундиришни лозим топади.

Ашёвий далил деб эътироф этилган қалбаки 557-сонли тўлов шартнома нусхаси, ариза ва тилхатлар ҳамда бир дона ДВД диск жиноят ишига қўшилганини эътиборга олиб жиноят иши билан бирга сақлаш учун қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465 -468, 471-474 моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ

Хасанов Шухрат Рахматуллаевич (XASANOV SHUXRAT RAHMATULLAYEVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.



Хасанов Шухрат Рахматуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Хасанов Шухрат Рахматуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хасанов Шухрат Рахматуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида тайинланган жазолар қисман қўшиш йўли билан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 2021 йил 6 май кунги ҳукми билан тайинланган жазони ўталган қисмини суд томонидан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан Ш.Хасановга ўташ учун 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хасанов Шухрат Рахматуллаевич озодликни чеклаш жазосини Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек МФЙ, Хуросан кўчаси, 34-уй,

2-хонадонда соат 21:00 дан эрталаб соат 07:00 гача ўташи белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар юклатилсин:

- спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш, иш, ўқиш жойини ўзгартирмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Хасанов Шухрат Рахматуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБга юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Ш.Хасанов Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ш.Хасановга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Махмудхаджаев Дилшод Муратович (MAXMUDXADJAYEV DILSHOD MURATOVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Махмудхаджаев Дилшод Муратовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Махмудхаджаев Дилшод Муратовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Махмудхаджаев Дилшод Муратовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазолар қисман қўшиш йўли билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Махмудхаджаев Дилшод Муратович озодликни чеклаш жазосини Тошкент вилояти Қибрай тумани Беруний МФЙ, Нафис кўчаси 9а-уйда соат 21:00 дан эрталаб соат 07:00 гача ўташи белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар юклатилсин:

- спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш, иш, ўқиш жойини ўзгартирмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Махмудхаджаев Дилшод Муратовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти Қибрай туман ИИО ФМБга юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Д.Махмудхаджаев Пробаця бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Д.Махмудхаджаевга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Ш.Хасанов ва Д.Махмудхаджаевлардан солидар тартибда давлат фойдасига 2.921.400 сўм зарар ундирилсин ва 6 ой давомида яъни 2022 йил 7 апрелга қадар тўлаш мажбурияти юклатилсин.

Тошкент шаҳар ИИББ МИБ депозит ҳисоб рақамида 19873-сонли квитанцияга асосан сақланаётган 5.000.000 сўм ва 19871-сонли квитанцияга асосан сақланаётган 2.750.000 сўм пул маблағлари давлат фойдасига қаратилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган қалбаки 557-сонли тўлов шартнома нусхаси, ариза ва тилхатлар ҳамда бир дона ДВД диск жиноят ишига қўшилганини эътиборга олинсин ва жиноят иши билан бирга сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши, ҳукм қонуний кучга киргач, апелляция тартибида кўрилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Э.Каюмов



Нусхаси аслига тўғри:

Хужжат имзоланган: Каюмов Баходир Эркинжонович, 11.10.2021

